



“ТАСДИКЛАЙМАН”
ТАТУ Фарғона филиали директори
А.М.Расулов
“05” *сентябрь* 2021 йил

72. ХОДИМЛАР БЎЛИМИ ХОДИМЛАР БЎЙИЧА МУХАНДИСИННИГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг Ҳайъат Қарорлари, буйруқлари, модемограмма ва телефонограммаларини ижросини таъминлаш ва мониторингини олиб бориш;
- Филиалнинг профессор-ўқитувчилари бўйича штатлардан тўғри фойдаланиш ва жойлаштиришни амалга ошириш;
- Профессор-ўқитувчиларга асосий меҳнат қонунларини тушунтириш;
- Кафедра профессор-ўқитувчиларининг рўйхатини тузиш, Т-2 шакл шахсий варақалари, меҳнат дафтарчаларини ўз вақтида тўлдириш, меҳнат дафтарчаларига ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, қайта сайлаш, ўриндошлик асосида ишга қабул қилиш, ишдан озод қилишни қайд қилиш, меҳнат дафтарчаси ҳаракати ҳақида алоҳида ҳисоб дафтарини юритиш;
- Ходимлар бўлими фаолияти бўйича белгиланган тартибда меҳнат органларига ва юқори ташкилотларга ҳисоботлар тайёрлаш;
- Бўш профессор-ўқитувчи лавозимларига иқтидорли ёш магистр даражасига эга бўлган мутахассисларни танлаш, кадрлар захирасига киритиш ва иш билан таъминлаш бўйича бўлим бошлиғига таклифлар киритиш.
- Филиал профессор-ўқитувчиларига нафақа тайинлаш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва Филиал сугурта комиссиясига тасдиқлаш учун киритиш;
- Филиалда ишлаётган профессор-ўқитувчиларга уларнинг сўровларига кўра белгиланган тартибда маълумотнома бериш;
- Профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатга қобилиятсизлик варақаларига иш стажини аниқлаш ва белгиланган тартибда тўлдириш;
- Профессор-ўқитувчиларнинг белгиланган тартибда асосий ва ўриндошлик асосида лавозимлари бўйича алоҳида-алоҳида меҳнат шартномаларини расмийлаштириш;
- Ўриндошлик асосида ва бир неча касб ва лавозимда ишловчи профессор-ўқитувчилар рўйхатини юритиш ва қонунда белгиланган меъёрдан ортиқча ишлашларига йўл қўймаслик;
- Профессор-ўқитувчиларнинг табелларини текшириб бориш ва ҳақиқатда ишламаган ходимларга иш вақти қўйилиши ҳолатларини олдини олиш чораларини кўриш;
- Профессор-ўқитувчиларнинг йиллик меҳнат таътиллари жадвалини ишлаб чиқиш ва таътиллари жадвал асосида берилишини таъминлаш;
- Хомиладорлик ва туғиш ҳамда бола парваришlash таътилига чиққан профессор-ўқитувчиларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш;
- Профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат таътили, сақланмаган таътиллари, ҳамда меҳнатга лаёқатсизлик даврини назорат қилиб бориш;
- Бўлим бошлиғининг қонуний топшириқларини бажариш;
- Ахборот коммуникация технологияларни пухта билиш;
- Филиал ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш.

Билиши керак:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлашга оид Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва вазирликларнинг буйруқлари, топшириқлари, маҳаллий ҳокимият органларининг Қарорларини ҳамда Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Филиал ички тартиб-қоидаларини билиши.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик максадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	УМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
1038- 1.	Ходимлар бўйича мухандис	2412	М	Олий маълумот	5310200, 5330200